



ХАВАР

شېبەر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1996 йил, 21 июнь № 24 (201)

● Сотувда нархи эркин

ҲАМКОРЛИҚДА ГАП КЎП...

Кейинги йилларда дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида тижорат ишларининг тараққий этиши телекоммуникация ва почта соҳаси олдиға янгидан-янги талаблар қўймоқда. Хорижий мамлакатларнинг машҳур фирмалари эса ҳозиржавоблик билан бундай талабларни қондириш учун ўта илғор техникаларни ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ қилмоқдалар. Бу боралда айниқса UNISYS фирмасининг олиб бораётган ишлари диққатта сазовордир.

Яқинда UNISYS компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонасида компания вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг ўринбосари А. Ҳ. Жўрабоев, «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Э. Зикиров, Алоқа вазирлиги почта қорхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш бўлими бошлиғи Ю. Р. Мухчи, почта қорхоналари раҳбарлари, концерн ходимлари ва мутахассислари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни UNISYS фирмасининг Марказий Осиё ва Кавказ орти давлатлари билан иш олиб борувчи Марказининг бошлиғи жаноб Фредерик де Суза очди. Британия ва Австралия почта тизимида UNISYS технологиясининг татбиқи билан шуғулланувчи Алриан Ҳаккин ва Ник Бовенлар ўз таъриқларида UNISYS фирмасининг

фаолияти, кўрсатаётган хизмат турлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳамда бу технологияларнинг Британия, Италия, Австралия, Малайзия, Ҳиндистон ва дунёнинг бошқа давлатларида жорий қилинишида орттирган тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Маълумки, UNISYS фирмаси дунё миқёсида эътибор қозонган фирмадир. Бу компаниянинг технологияси ва хизматидан дунёдаги энг йирик банкларнинг 90 фоизи фойдаланади. Почта соҳасида йигирмадан ортиқ давлатлар билан иш олиб боради.

Ушбу анжуманда Алоқа вазирининг ўринбосари А. Ҳ. Жўрабоев Ўзбекистон почтасининг муаммоларини ечишда UNISYSнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро ҳамкорликда ечилиши мумкин бўлган масалаларни белгилаб олиш лозимлиги тўғрисида фикр юритди. Бу талбир иштирокчиларига Р. Э. Зикиров ва Ю. Р. Мухчилар республикамиз почта тизимининг тузилиши ва муаммолари ҳақида ҳам батафсил маълумот бердилар.

Анжуман давомида қизғин музокаралар олиб борилди ва унинг якунида UNISYS фирмаси томонидан олиб бориладиган ишларини турлари, ҳажмини аниқлаш учун компания мутахассислари томонидан республикамиз почтасининг ҳолатини ўрганиш лоим деган фикрга келинди.



Тошкентдаги 55-АТС станция муҳандиси Роза АҲМЕДЖОНОВА АТС ишга тушган 1981 йилнинг дастлабки кунлариданоқ станция муҳандиси лавозимида ишлаб, жамоа аъзоларининг ҳурматини қозониб келмоқда.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов Италия Республикасига ташриф буюрди.

● Вазирлар Маҳкамасида Тошкентда Япония билан ҳамкорликда вагонсозлик бўйича янги замонавий завод қурилиши юзасидан келишиб олинди. Япония томони бу қурилишга 6 миллиард 102 миллион йена миқдорда маблағ ажратилган бўлди.

● Самарқанд вилояти ҳокимлиги Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан шаҳарни обод қилиш, Амир Темур майдони атрофида бог барпо этишга қатор қорхона ва ташкилотлар, хусусий шахсларнинг ўз маблағларини ажратиш бўйича ташаббусларини маъқуллади.

● Ҳозирнинг ўзида бу қурилишлар учун 45 миллион сўм пул ўтказилди.

● Шаҳар сайловчиларининг 90 фоиз овозини олган Юрий Лужков яна Москва мэри этиб сайланди.

● Тожикистон муҳолифатчилари ҳукумат вакиллари билан узилиб қолган музокараларни яна давом эттиришга рози бўлдилар.

● Украинада ҳукумат бошқаруви ва бошқа давлат идоралари ходимлари сони 20 фозга қисқартирилди.

● Истамбулда Туркия билан Озарбайжон ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш юзасидан битим имзоландилар.

● БМТ Хавфсизлик Кенгани собиқ Югославияга қурол-яроғ етказиб беришни ман қилувчи ўз қарорини бекор қилди.

● Исроил Бош вазири Бениамин Натаньяху июнь ойининг охирида расмий ташриф билан Қоҳираға келади. Бу Исроил янги Бош вазирининг хорижий мамлакатта илк сафаридир.

● АҚШ Олий суди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонуинбузарларни қилдириб топини ва қўлга олишда жуда кенг ваколатлар бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Фаластин матбуоти бўлажак мустақил Фаластин давлатининг биринчи Конституцияси лойиҳасини эълон қилди. Франс-Пресс агентлигининг маълум қилишича, лойиҳада маркази Қуддус шаҳри бўлган Фаластин давлатини тузиш кўзда тутилган.

Шу йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси кучга кирди. Янги Меҳнат Кодекси мажбурий ҳуқуқларнинг энг кам даражаси (энг кам иш ҳақи, меҳнат таътилининг энг кам муддати, иш вақтининг энг узоқ муддати)ни кўзда тутади. Агар қорхона иқтисодий

манда меҳнат шартномасининг моҳияти, меҳнатда баҳсли ҳолатларни кўриб чиқишининг янги тартиблари, амалиёт билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш каби масалалар ҳусусида сўз борди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

ҲОЙДАЛИ АНЖУМАН

имкониятларга эга бўлса, иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қўшимча қафолатлар алоҳида қабул қилинадиган ҳужжатларда белгилаб қўйилади. Бунда ҳужжатлардан бири меҳнат шартномаси бўлиб, у меҳнат муносабатларида катта ўрин тутади.

«Ўзбектелеком», «Ўзбекистон почтаси» концернлари ва Тошкент Алоқа коллежи биргаликда ташкил этган анжу-

ва Тошкент шаҳридан келган 60 дан ортиқ алоқа қорхоналари ходимлар бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар. Улар «Ўзбектелеком», «Ўзбекистон почтаси» концернлари ходимлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўлимларида ўзаро тажриба алмашдилар, ҳисобот тузиш, ходимлар билан ишлаш, касбга йўналтириш масалалари юзасидан маслаҳатлашдилар.

Ш. ТОЙИРОВ

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

Андижон шаҳрида Корея Республикасининг «ДЭУ» фирмаси билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ АТСларни боғловчи шина толали кабеллар учун канализация тармоқлари ҳажмини кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди.

Андижон вилоят давлат электралоқа қорхонаси қошида ташкил этилган алоқа қурилиш-таъмирлаш бўлими жамоаси катта иш ҳаж-

мини бажаришга эришди. Бўлим бошлиғи Й. Жўрабоев, уста А. Маматов раҳбарлигида сўнгги бир ярим ой ичида 5,5 минг метр телефон канализацияси қурувлари етқизилди. Асосий иш ҳажми ҳашар йўли билан бажарилди. Вилоятдаги электралоқа боғламалари Андижон шаҳрида янги рақамли алоқа ускуналарини ўрнатил ва ишга туширишни жадаллаштириш учун ердмига келишди. Асакалик ҳашарчилар 800 метр,

қорасувликлар 500 метр канализация қурувларини тайёр қилиб бердилар.

Алоқа қурилиш-таъмирлаш бўлимида ҳашарчиларни махсус иш кийимлари ва иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳамжihatликда ишлаш туфайли қисқа муддатда шартномада мўлжалланган ишларнинг биринчи босқичи ниҳоятга етиш арафасида турибди.

Раҳмонжон УЗОҚОВ,
«Хабар» нинг жамоатчи мухбири

Ажойиб қизиқчимиз Ҳожибой Тожиев сўзи билан айтганда «Ўзбекининг ўзи қизик, ўзидан сўзи қизик». Ўзбекининг қизик сўзларидан бўлган «қизик» ва «қизиқчи»нинг ўзаги — «қиз»дир. Ун тўрт кунлик ойдек тўлишиб, балогатга етиб, етилган қиз, кўрганнинг — кўзини ўйнатади, суйганнинг — ичини қиздиради. Қизиққон ҳам «қиз» ўзагидан ясалган. Демокчимизки, «қиз» — «қизмоқ» феълнинг ўзаги ва унинг буйруқ шаклигина эмас, отга айланган феъл ўзаги ҳамдир.

«Қизча», «қизалоқ» каби отлар ҳам айна шу ўзак-отдан ўсиб чиққан.

Сўз санъати барчани ўзига қизиқтиради. Сўз устасини

«қизиқчи» деймиз? Чунки сўз устасининг ижросида сўз онг-шууримизга, сезиларимизга бевосита таъсир қилади. Бу ўринда гап ҳақиқий сўз устаси — қизикчи хусусида кетмоқда, албатта. Халқимиз яратган беҳисоб ҳикматли сўзлар, яъни, мақол-маталлар, эртак-чўпқаклар, ёр-ёр ўланлар, ҳикоят-ривоятлар, топашмоқлару достонларга қизиқшимизнинг асосий сабаби — улар замиридаги теран маънолардир. Масалан, қадим туркий эртакларда кўп учрайдиган бир анъанавий бошламанинг маъини қақиб кўрайлик: «Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ қақимчи экан, қировул қизил экан, куйруғи узун экан...» Бу тингловчини шунчаки қизиқтириш учун «бир богдан, бир тогдан»

келувчи сўзларнинг оддийгина йиғиндиси эмас, албатта. Жумладан, бўри бемалол тайёр ошга баковуллик, тулки кўнгли тусанганча ясовуллик, қарға қақмалаб қақимчилик, ҳатто чумчуқ чўқиб-чўқималаб қақимчилик қилаётган овулнинг қировули (қаровули, пойлоқчиси, посбони) қип-қизил бўлиб, унинг куйруғи узун бўлади. Бошқача айтганда, қип-қизил шайтони лаин посбонлик қилган манзилда бўри — баковуллик, тулки — ясовуллик, қарға — қақимчилик, чумчуқ — қақимчилик қи-

«жунун», «жазава», «васваса», «қутқу» сингари маъноларни англатади. «Фалончи жудаим қип-қизил экан» қабилдаги таърифта ўша «фалончи»нинг ранги эмас, айна шу сифатлари назарда тутилади. Буни ҳозирги илмий атама билан айтганда, психофизиологик асослари ҳам бор. Айтايлик, қора ранг барча маъжудотларнинг кўнглини чўқтирувчи, яшил ранг — яшнаб-яшартирувчи, қизил ранг эса барча махлукотнинг қонини қиздирувчи хуеусиятга эга. Бу оддий ҳақиқатни Шарқ халқлари қадим-қадимдан жуда яхши билган. Масалан, испан коррадолари энг қизиққон буқаларни ҳам айнан қизил рангдаги бир парча латта ёрдамида кўлга ўргатганлар. Энг ашаддий ёввойи кўтос ҳам шу бир парча қизил латтага ҳамла қила-қила, кўзи қизил қонга тўлиб, ахийри силласи қуриб, қўйдек ювот тортган! Қизил рангта қизиқчи қизиқшишнинг оқибати маъна шундай аянчлидир. Шайтони лаиннинг инсон жисми-жони бўйлаб бемалол кезиб-кезиниб юриши, унинг қонига кириб олиб, айнан шу қонда қутқу кўзгаши, инсон қонининг эса қип-қизил рангда бўлиши... буларнинг барчасида биз англаб етасанми деган савол бордир...

«Қиз» ўзагига қурилган сўзлар қиссасидан ҳисса шуки, қиз — яхши, қизиқчилик — яхши, лекин қизиллик, қизиқиш, қизаришиш... бунданасидан яратганнинг ўзи асрасин!

ОТАУЛИ

ЎЗБЕКНИНГ СЎЗИ ҚИЗИҚ

• Сўз ҳақида сўз

лади. Шайтон васваси билан рўй берадиган бундай телба-тескари аҳволу ҳар хил «ажина баэм»ларга қарши туриш учун эса, эртак ва унинг қаҳрамонлари — уга-ини ботирлар, муқбил тошотарлар... башарти улар камлик қилса, халқ достонларидаги қиронлар, борингки, Амир Темурдек соҳибқиронлар керак бўлади!

Афсуски, биз юқоридаги «қировул қизил экан»ини «қировул қизил экан» деб нотўғри ўқиб келдик.

Ҳолбуки, қировулнинг ранги қизил эмас. Қадимда кўпгина қировуллар (қаровуллар) азбаройи узоқроқдан кўзга аққол ташлашни учун қизил рангли кийим кийганликлари кўпчиликка маълум. Халқимизда «қора» сўзи рангдан ташқари («қорахонийлар», «қорамол»даги каби) «катта» маъносини, «қизил» сўзи эса «Ақли ноқислик»,



Лев ТОЛСТОЙ
МАСАЛЛАР

ХОТИН ВА ТОВУҚ

Бир товуқ ҳар куни тухум тургаркан. Бека, агар донни кўпроқ берсан товуғим икки баробар кўп тухум қилади, деб ўйлабди. Худди шундай қилибди. Семириб, ёғ босиб кетган товуқ эса бутунлай тухумдан қолибди.

МЕРОС ТАҚСИМОТИ

Бир отанинг икки ўғли бор экан. У болаларига: «Улсам ҳамма нарсани тенг бўлишиб олинглар», деб васият қилибди. Ота ўлгач, ўғиллар меросни бўлишолмай тортишиб қолишибди. Ажрим қилишни сўраб қўшнига боришибди. Қўшни: «Отанг қандай васият

қилувчи?» деб сўрабди. Улар: «Отаниз ҳамма нарсани тенг бўлишиб олинглар деганди», дея жавоб беришибди. «Унда ҳамма қўйлақларни, идиш-товуқлару барча ҳайвонларни теппа-тенг йиртиб, синдириб, сўйиб ола қолинглар», деб маслаҳат берибди. Ака-укалар қўшнанинг гапига кириб, ҳамма нарсалар ажраб қолишибди.

БАҚА ВА АРСЛОН

Арслон бақанинг бор овози билан қуриллаганини эшитиб,

ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ
ХАНГОМАЛАРИ

ХАШАКИ ХОНАНДА

Юсуфжон қизик қалдрон ошмасиқинга тўйга борса, бир хашаки хонанда мазза-бемазза ашулеларни айтасларди. Юсуфжон қизик бироз сабр қилди. Ашуларнинг сўзини буйиб, чайнаётган хонанига тарвак тортди юборганис келди. Шу пайт хонанда енгил-елни ашула орқасидан уйиб мисраларни куйга солиб айта бошлади:
Эсиз тақдир экан, қайлиги билибмиз,
Ангиз, дунёга бевақт келибмиз.
Юсуфжон қизик чиламали, сакраб ўрнидан туриб, хонандага яқин келди:
— Вақтида келганимда ҳам ҳеч бало бўлмас экансан. Бу табарук мисраларни исроф қилма. «Бевақт келибмиз» дегин-у, чиққан жойинида жўна.

ЛОЙ БҮЛАДИ

Юсуфжон қизик оталар чойхонасида ўтирарди. Емгир қуниб юборди. Емгирдан қочиб, чойхонага югуриб кирган ҳаммаҳалласи Юсуфжон қизикқа деди:
— Кучага икки миллина тулроқ тўқдириб қўюлдим. Энди ниҳа бўлади, уста?
— Нима буларди, лой бўлади-ла, — деди Юсуфжон қизик.

АЙБ ОНАСИДА

Юсуфжон қизик ситирни олиб қолиб, бузонни сотиб юбормоқчи бўлди. Бузоқни еталаб, тор кўчидан чиққунча терга ботиб кетди. Бузоқ юрмас, ўтулек қайсар эди. Юсуфжон қизик бузоқни кўчада турган болага ушлатиб қўйди. Қайтиб уйга кириб, ситирни савалай келди:
— Ҳой уста, нега бечора ситирни савалайсиз? Нима гуноҳ қилди? — сўради девордан қараб турган қўшнис.
— Ҳамма айб шунда, — деди Юсуфжон қизик. — Бузоқ қайсарлиқдан шундан таялми олан-ди!

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ (Масъул котиб)
Миришлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Екубжон ХУЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АХМЕДОВ

ОТАУЛИ Саидмахмуд АКБАРОВ Шохрўх АКБАРОВ Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Саид СИДИҚОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Муҳарририятта келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасида.
Тўхташ олдига №10011. Бузишга №1-0346. 10874 йусхалда чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

